***Кейинги вақтда бот-бот одамлардаги самимийлик негадир йўқолиб бораётгани ҳақида сўз юритилмоқда. Хўш, нега шу ҳол юз бермоқда? Ёки шу пайтга келиб биз бошқача фикрлайдиган бўлиб қолдикми? Турмушимиз оқими ўзга томонга бурилиб кетдими?***

***Нега ҳамиша ҳам бир-биримизга самимий ва беғараз муносабатда бўла олмаймиз? Яхши сўз айтиш, бир-биримизнинг ҳожатимизни чиқариш шунчалик машаққатми?***

*Нуқтаи назар*

# ҚАДРИЯТНИНГ БАҲОСИ

Ақл-ҳушимиз жойида, турмушимиз ҳам бир нави, аммо қадр-қиммат-чи? Тонг саҳарданоқ бугун нима топаман, кечгача чўнтагим тўладими, деган ўйга борган кезларимиз бисёр. Афсуски баъзиларни бугун кимгадир беминнат ёрдам бераман, ўзгаларнинг оғирини енгил қилиб, дуо оламан деган хаёллар тарк этаётир. Айримлардаги ҳаётга баҳо беришда пулдорлик тушунчаси устунлик қилаётир. Нега борлиқни қаппайган чўнтак билан ўлчаймиз? Наҳотки, ҳар қандай ҳаракат муллажиринг измида бўлса? Шунча берсак, бунча оламиз деган бандаи-ғофилнинг фикри инсофданми? Наҳотки, бойликнинг қудратини шунчалик илоҳийлаштириб юборган бўлсак? Аксига олиб, ҳаром ишларда пора асқотади. Муллажиринг ҳар қандай мустаҳкам тўсиқни ҳам бир зумда чилпарчин қилишга қодирдек туюлади.

Турмушимизда учраб турадиган номаъқулчиликларни сеза туриб, уларнинг газак олишига гоҳида ўзимиз йўл очиб берамиз. Ёки бошқача қилиб айтганда, нопокликнинг бевосита иштирокчиси бўлиб қоламиз. Иллатни ўз вақтида бартараф этиш қўлимиздан келмайди. Бутун бемаънилик кўз ўнгимизда юз беради-ю, аммо ҳеч кимга «сен таъмагирсан, пораҳўрсан, сен жамиятнинг зулугисан», дея олишга журъат эта олмаймиз.

Кундалик ташвишлар хусусида нолиб фикр юритишга ўрганиб қолганмиз. Ким билан суҳбатлашмайлик, рўзғор ғамида эканлигига амин бўласиз. Хўш, шахсан ўзимиз жамиятни ўнглаш учун, элимиз фаровонлиги йўлида бирор фойдали иш қилаяпмизми? Халқимизнинг оғирини енгил қилиб, қўлимиздан келадиган юмушни қойилмақом бажаряпмизми? Ўз манфаатимизни кўпроқ ўйлаганимиз ҳам рост.

Беш панжа баравар бўлмаганидек, ҳар биримизнинг турмуш тарзимиз ҳар хил. Оилани бир меъёрга солиш, эртанги кун ташвиши билан яшаш осон кўчмайди, албатта. Англаб турибман, бу масала осон ва кўз очиб юмгунча ҳал этиладиган юмушлар сирасига кирмайди. Қолаверса, одамлар истаган ва кўнгли тўлиб ҳаёт кечирадиган, нознеъматлар бус-бутун жаннатмакон диёр бунёд этишнинг ўзи бўлмайди.

Гоҳида инсон лойиқ бўлган сўнгги ҳурмат ҳам равон кўчавермайди. Ўғил-қизлар оламдан ўтган ота-она мероси устида талашиб, марҳумлар руҳига оёқ қўйишганига қандай чидаш мумкин? Яқинда сўзлаб беришган бир нохуш воқеадан ҳамон ўзимга келолмайман: гавжум маҳалланинг кексаларидан бири оламдан ўтибди. Таомилга кўра, марҳумни қабрга қўйиш ва сўнгги инсоний бурчини бажаришга қўни-қўшнилар апил-тапил тўпланишибди. Жамоа йиғилганда жанозали ҳовлида содир бўлган тўс-тўполон ҳаммани лол қолдирган. Марҳумни қабрга қўйиш учун тўпланган халойиқ нима гаплигини англолмай гаранг бўлармиш. Тобут устида ака ва сингилнинг беорларча бир-бирини ҳақоратлашидан йиғилганлар ёқа ушлашибди. Ғавғо ота жамғармасидаги 40 минг сўм устидан чиқибди. Бир қориндан тушган жигарларни маҳалла аҳли бир бўлиб муросага чақирмасин, барибир уларга ҳеч ким бас келолмабди. Шунча йил апоқ-чапоқ бўлган, аммо мерос учун икки дунёда ҳам кечириб бўлмайдиган гуноҳга йўл қўйган фарзандлар ўрнига жасадни бегоналар қабрга қўйишибди.

Ҳеч ким дунёга устун бўлолмайди. Бунга умид қилиш нодонликдир. Зеро, ҳеч кимга ўзгалар ҳисобига бахтиёрлик насиб этмаган. Ҳар кимга ҳам инсоний баркамолликнинг ўз оёғи билан қадам ранжида қилгани маъқул.

Одатда инсон дунёга яхши яшаш, ширин турмуш қуриб, бола-чақалик бўлиш ниятида келади. Шу мақсадда ўқийди, меҳнат қилади. Афсуски, ҳамма ҳам ўз бахтига бирдан эришиш қудратига эга эмас. Албатта бунга олиб борадиган йўл оғир ва машаққатлидир. Ҳаёт синовларига ҳамма ҳам бардош беришига кафиллик йўқ.

Ҳозир орамизда оиласи бузилганлар бор. Йигит-қизлар бир-икки йил яшаш нариёқда турсин, ҳатто висол гўшасидаёқ бир-бирларига бегона бўлиб қолишмоқда. Ўлдим-куйдим, деб турганлар хиёл ўтмай судма-суд чопиб юришса нима қилайлик?! Хўш, нега шундай бўлаяпти? Бунга ким айбдор? Ҳеч ким у ёки бу масалада мен нотавонман, дейиш қудратига эга эмас. Охироқибатда қанчадан-қанча оилалар хазон бўлмоқда. Етим қолган болалар кўзида мунг. Нега, нега букилишга лойиқ бўлмаган қаддимизни ерга урамиз?

Қадимдан маълумки, Шарқ халқлари оила барқарорлигини ҳар қачон устун қўйишган. Турмуш осойишталиги учун ҳатто жонларини аямаган. Олижаноблик туфайли бир-бирларига кечиримли бўлишган. Ширин сўзлар, меҳр-оқибатлилик аждодларимизга хос бўлган фазилатлардир. Ана шу анъанага кўра японлар, ҳиндлар ва бошқа Шарқ халқлари қадимги удумларни қаттиқ сақлаб келишмоқда. Улар ҳар қандай шароитда ҳам икки ўртадаги аҳднинг муқаддаслиги учун куйинишади. Ҳиндистонда бўлганимда йўл бошловчидан кўп миллатли мамлакатдаги қўйди-чиқдилар хусусида суриштирдим. Дастлаб суҳбатдошим саволларимга ажабланиб қаради. Аммо мақсадимни англагач, онда-сонда бўлсада, никоҳни бекор қилиш ҳоллари учраб туришини тан олди. Аниқ бўлмаган ҳисоб-китобларга қараганда, 1 миллиардга яқин аҳолиси бўлган мўъжизалар мамлакатида ажралишган оилалар бор-йўғи 4 фоизни ташкил қилар экан. Гап келганда айтиш лозимки, мамлакатда никоҳ қоғозда ҳеч қачон қайд қилинмайди, йигит ва қизга диний маҳкамада оқ фотиҳа берилар экан, холос. Бир-бирига яратган олдида берган ваъдаси беқиёс кучга эга. Энг ажабланарлиси шуки, оила қураётган ёшлар ўртасидаги муҳаббат муҳим эмас. Аксинча, йигит ва қизнинг феъли бир-бирига мос тушса бас. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, эркак ажралишдан сўз очиш ҳуқуқидан маҳрум. Чунки тўй харажатларини келин томон кўтаргани учун фақат аёлгина никоҳни бекор этиш масаласини қўяди. Фақат уч ҳолатда — агарда хотин эрига хиёнат қилса, 7 йилгача фарзанд кўришмаса ва аёл бедаво дардга чалинган бўлса эр ажралишни талаб этиши мумкин.

Юқорида баён қилинган фикрлар билан ақл ўргатиш фикридан йироқмиз. Фақат мулоҳазалар муштарийлар ҳукмига ҳавола этилади, холос. Қоғозга туширилган баёнлар айримларга эриш туюлиши ҳам мумкин. Ёки бу гапларга қўшилмаганлар ҳам топилади. Начора, ҳар бошда турфа хаёл. Боз устига қарашларнинг ҳар хил бўлишини инкор этиш қийин.

Инсоний қадр-қиммат асло йўқолмаса, дейман. Чунки одамзот ҳар қадамда адашиши, нотўғри сўзлаши, ножўя қадам қўйиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Унинг бутун умри синовлардан иборат. Шу боис юз йил яшасанг ҳам, юз йил ўқишга, аниқроғи уқишга тўғри келади. Фақат бундан эринмаслик лозим. Бироқ ҳаммага маъқул хислатдан воз кечиш осондир. Аммо унга яна бошқатдан эришиш жуда оғир. Зеро, ҳар кимда ҳам бунга журъат топилмаса керак. Модомики, шундай экан, қадриятнинг баҳосини беҳуда излаб вақтни бой бермайлик. Унинг нечоғлик бебаҳо эканлиги шундай ҳам аён.

*Ислом УСМОНОВ.*



*«Санойи нафиса» мусаввирлар ижодий гуруҳининг Камолиддин Беҳзод номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндорлари Тойир Болтабоев, Хуршид Назиров ва Ғайрат Камоловлар янги иш устида.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

*Фан*

# «ЭГДЕСТЕН»НИНГ ХОСИЯТЛАРИ

***«Эгдестен» препаратидан шу вақтгача танага қувват берувчи, камқонликка қарши ва юрак фаолиятини яхшиловчи модда сифатида фойдаланилар эди. Эндиликда унинг ошқозон яраси ва ўн икки бармоқли ичак касалликларини даволовчи хусусиятлари ҳам аниқланди.***

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ўсимлик моддалари кимёси институтининг гликозидлар кимёси тажрибахонаси ходимларининг олиб борган изланишлари натижасида юқорида қайд этиб ўтилган ютуққа эришилди. Бу тажрибахонанинг асосий ишлари Марказий Осиёда маданий ва ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлардан олинган моддаларни тиббиётда қўллашдан иборат.

Бир вақтлар «Эгдестен» препаратини тайёрлаш учун хом ашё Россиядан келтирилар эди. Эндиликда Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудларида ўсимлик заҳиралари борлиги аён бўлди. Ҳозирги кунда силен ўсимлигидан препарат учун керакли бўлган моддалар олиняпти. Бундан ташқари Сурхондарё вилоятида ўсувчи аюго ўсимлигидан ҳам хом ашё сифатида фойдаланиш мумкинлиги маълум бўлди. Стереоидли гармонлардан «Эгдестен» билан бир қаторда «Туркстерон» препарати ҳам тайёрланяпти. Унинг бепуштликни даволаш хусусияти борлиги аниқланди. Тажрибахона институтнинг фармакология тажрибахонаси билан ҳамкорликда иш олиб боряпти.

Алкалоидлар кимёси тажрибахонаси ҳам институтда етакчи ўринни эгаллайди. Бу ердаги илмий йўналишлар Марказий Осиё ва бошқа минтақаларда ёввойи ҳолда ўсадиган, маданийлаштирилган ўсимликларнинг алкалоидини ўрганиш, уни соф ҳолда ажратиб олиш, кимёвий тузилишини аниқлаш, тиббиётга керак бўлган доривор моддаларни топиш ва халқ хўжалигида қўллашдан иборат. Алкалоидлар ўз таркибида азот элементини сақловчи кучли физиологик фаолиятга эга бўлган мураккаб тузилишли органик моддадир. Кейинги икки йил мобайнида юзга яқин алкалоидлар ажратиб олиниб, уларнинг хусусиятлари ўрганилди. Йигирмага яқин бундай янги модданинг кимёвий тузилиши исботланди. Хусусан, Сибирь, Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудларида ўсадиган парпи, омонқора, исириқ сингари ўсимликлардан ажратиб олинган алкалоидлардан юрак фаолиятини (аритмия) яхшилашда марказий ва сиртқи асаб тизими ва болалар шол касаллигини даволашда фойдаланиляпти.

Биргина фумария ўсимлигидан олинадиган протопин алкалоиди ўт ҳайдовчи дори сифатида ва сариқ касалликларини даволашда қўлланиляпти. Шу билан бирга у жигар иш фаолиятини ҳам яхшилайди. Бу алкалоидни ажратиб олишда кимё фанлари доктори Эргаш Исроилов, доришунос Абдували Набиев, технолог Олим Содиқовларнинг ҳиссаси беқиёсдир. Айни кунларда тажрибахонада Қирғизистон тиббиёт муаммолари институти аспиранти Айнур Омонова ва Ўш давлат университети биология факультетининг аспиранти Урнисо Тешабоевлар парпи ўсимлиги устида тадқиқот ишларини олиб боришяпти.

*Наргиза ПИРНАЗАРОВА.*

*Назм*

**Рамз БОБОЖОН,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

## ШАҲРИМ ЖАМОЛИ

*Тошкент жамолига тўймайсан қараб,*
*Яшил япроқларда ўйнар олтин нур.*
*Шаббода гулларни қучар эркалаб,*
*Гўзаллик қалбларга бахш этар ҳузур...*

*Салқин тонготарлаб чиқсанг кўчага,*
*Жўш уриб оқади ҳаёт дарёси.*
*Навбат бергуси йўқ кундуз кечага,*
*Кўзларда чақнайди меҳнат зиёси!*

*Бахтиёр ёшликни этиб намойиш,*
*Йигит-қиз кезади хиёбонларда.*
*Тошкент жамолига берар оройиш*
*Мустақиллик меҳри дастурхонларда...*

*Бари юрт меваси, дўстлик меваси,*
*Бари кўнгил тўқи, рўзғор савлати.*
*Шаҳарга ярашиқ—қишлоқ шеваси*
*Қадоқ қўл инсоннинг мулки, давлати.*

*Бир кафт дон-ла уйга олам нур кирар,*
*Бир бурда нон ила ҳаёт тўқлиги.*
*Захматкаш ўз ризқин киприк-ла терар*
*Қалбида мавж урар бола шўхлиги...*

*Кел дўстим, шаҳримнинг жамолига боқ,*
*Кўзларинг қувонсин Ватан завқидан.*
*Юрак тепишига тутиб кўр қулоқ,*
*Эртанинг садоси янграр шавқида...*

## ЧИРОҚЛАР

*Чироқлар порлайди хиёбонларда,*
*Оқшом-қиз шуълалар денгизига ғарқ.*
*Чироқлар, чироқлар кенг майдонларда*
*Йўлларда, чўлларда, боғ-бўстонларда.*
*Кел, кел, эй севгилим қуёш бўлиб балқ!*

*Шуълалар ўйнайди ол ёноқларда,*
*Чироқлар чорлайди чароғбонини.*
*Чироқлар порлайди боғу роғларда.*
*кўлларда,*
*тоғларда, сўлу соғларда,*
*чорлайди, севгилим,*
*меҳрибонини, чароғбонини...*

## ЯНГИ ТОШКЕНТ ҚЎШИҒИ

*Янги Тошкент тўйга чорлар*
*Дўстларин тонг чоғида.*
*Шараф нури мангу порлар*
*Истиқлол байроғида.*

*Янги Тошкент, янги бўстон.*
*Янги уйлар муборак!*
*Янги меҳнат, янги достон,*
*Янги куйлар муборак!*

*Ўзбек элин пойтахти,*
*Янги Тошкент омон бўл!*
*Пешонангда қуёш балқди,*
*Бахти бекам жаҳон бўл!*
*Омон бўл!!!*





*Шаҳримиздаги 70-мактабда шу турдаги барча ўқув муассасаларида бўлгани каби биринчи синф ўқувчиларининг лотин ҳарфларини ўрганишлари туғалланиши муносабати билан «Алифбе байрами» ўтказилди. Жажжи ўқувчилар «Алифбе» китоби билан хайрлашиб «Она тили» дарслигини қўлга олишди. Байрам қувноқ қўшиқ, шеър ва рақсларга бой бўлди.*

*СУРАТЛАРДА: қизчалар байрам рақсини ижро этишмоқда; ота-оналар комитети аъзоси Хосият Аҳмедова болаларга китоблар тарқатаяпти.*

*Равиль Альбеков олган суратлар.*

*Малҳамлар*

## ЗАЪФАРОН

***Заъфарон ингичка узун баргли, пиёзсимон илдизли ўсимлик. Бўйи 40-60 сантиметр, маданий шароитда 1 метргача ўсади. Қаламга ўхшаш новдаси туксиз, усти озгина оқ бўлади. Кўсаги чўзиқ.***

Бу ўсимлик май ойининг охирларида юқори қисмидан шох чиқариб, 15-20 тагача кўсак тугади. Июнь-июль ойларида гуллайди ва ерга қор тушгунга қадар очилиб туради. Гулининг ранги қизғиш тўқ сариқ, ботаётган қуёш рангига ўхшайди. Унинг гулидан бўёқ ва зиравор тайёрланади. Хушбўй бўлганлиги учун пазандаликда асқотади. Овқатни ҳуштаъм ва рангдор қиладиган, заъфар деб юритиладиган тўқ сариқ зиравор ҳам заъфарон гулидан тайёрланади.

Заъфарон республикамизнинг адир ва тоғларида табиий шароитда ўсади.

Ҳозирги вақтда заъфаронни баъзи хонадонларда ҳам ўстиришади.

Заъфарон халқ табобатида қадимдан ишлатиб келинган. У киши танасидаги тиқилмаларни очади, кўзни равшан қилади, малҳами юз рангига чирой қўшади. Оғиздан ёмон ҳид келганда заъфаронли чой ичиш тавсия этилади. Юраги сиқилган одамга ажойиб малҳам бўлади.

Абу Али ибн Сино заъфарон юракка қувват бўлади, кишини хурсанд қилади, балғам кўчиради ва нафас органларининг фаолиятини яхшилайди, деб ёзган. Шунингдек, заъфарон меъда ва жигарга қувват бахш этади, сийдик ҳайдайди. Баъзи дорилар организмга яхши таъсир қилиши учун унга заъфарон қўшилади.

Буғдой уни ва крахмалга заъфарон қўшиб ишлатилганда сепкилни кетказади. Мошга қўшиб заъфарон қайнатилса, асаб оғриқларида яхши наф келтиради.

Заъфарон фойдали ўсимлик бўлиши билан бирга, нохуш асоратлари ҳам бор. Жумладан бошни оғритади, меъёридан ортиқча истеъмол қилинса кишини заҳарлайди, хотирани сусайтиради.

Заъфароннинг маданий шароитда етиштириладиган плантациялари йўқлиги сабабли илмий тиббиётда ишлатилмайди. Фармацевтика саноатида препаратлари ишлаб чиқарилмайди.

## КАРАМ

***Атлантика океанининг Европа қирғоқлари карамнинг илк ватани ҳисобланади. Ҳозирги аҳоли истеъмол қилаётган кўпгина карам навларини қадимги римликлар етиштирганлар.***

Карамнинг етмиш хили мавжуд бўлиб, боғ карами, гул карами, оқ, қизил брюсель, савой, кольраби, ёввойи карам каби турлари кенг тарқалган. Карам навларининг орасида гул карами ўзига хос таъм ва хушбўйликка эга. Ёввойи карам эса аччиқроқ бўлади.

Шифобахш ўсимлик — карам қадим-қадимдан кишиларнинг дардига малҳам бўлиб келган. Масалан, қадимги грек халқлари, римликлар карам билан уйқусизликни, эпилепсия касалликларини даволаганлар. Буюк саркарда Искандар Зулқарнайн лашкарларига куч-қувват бахш этиш мақсадида жангга кириш олдидан уларга карам ёки карамли таомлар истеъмол қилдиргани ҳам бежиз эмас. Карам кайфни тарқатади, иштаҳани очади, унинг шарбати беморни тез оёққа турғизади. Шунингдек, у энг яхши дармон-дори берувчи парҳез таом ҳисобланади. Карам таркибини асосан сув ташкил этса-да, аммо унда яна киши организми учун зарур ва фойдали бўлган жуда кўп моддалар мавжуд. Масалан, қанд моддаси, оқсил, минерал тузлар, турли ферментлар, олтингугурт ва фосфор тузлари С, А, В1, В2, В5, Р, К сингари дармондорилар карам таркибидан ўрин олган. Шу боис, карам кўп дардга даво. Жумладан, жигар касалига чалинган беморга карам солиб тайёрланган таомларнинг фойдаси катта.

Агар карамни чайнаб, суви сўрилса, бўғилган овоз очилади. Организмдаги ёғлар алмашинуви жараёнини карам бошқаради. Бу эса ўз навбатида танадан ортиқча холестеринни чиқариб юборади-да, паришонхотирлик хасталигининг олдини олади. Карамда пешобни ҳайдаш хусусияти ҳам бор.

Карамнинг ўзидан ташқари, унинг шираси ҳам табобатда кенг қўлланилади. Карам ширасини тайёрлаш унчалик қийин иш эмас. Бунда оддий шира ажратгичдан фойдаланиш мумкин. Мабодо у сизда йўқ бўлса, карамни қиймакачдан ўтказиб, ширасини тоза докадан бирор идишга сузиб олинади. Ширани бир кунлик эҳтиёж учун тайёрлаш тавсия этилади. Чунки у кўп тайёрланиб, узоқ вақт сақланганда ўзида нохуш ҳид пайдо қилади. Янги ширани салқин жойда сақлаш мақсадга мувофиқдир. Ошқозон касалликлари билан оғриган кишиларга ана шу суюқликдан ҳар куни уч-тўрт стакандан ичишни маслаҳат берилади. Албатта, бу тадбир овқатланишдан олдин бажарилиши керак. Бундай даволаш усулини бир ой, зарурат туғилганда яна ҳам узайтирса бўлади.

Маълумки, янги карам шираси ҳар доим бўлавермайди. У ҳолда нима қилиш керак? — деган саволнинг туғилиши табиий. Олимлар бунинг ҳам чорасини топганлар. Улар карамнинг қуруқ ширасини яратишди. Қуруқ ширасининг олиниши худди қуруқ сутнинг олиниши усулига ўхшайди. Карамнинг қуруқ шираси — талқони барча фойдали моддаларни ўзида сақлаб қолади. Хулоса қилиб айтганда, карам нафақат ризқу насиба, балки у шифобахш ўсимлик, доно табиатнинг инсонга инъом этган бебаҳо неъмати ҳамдир.

*Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,*
*доришунос.*

*Баҳор юмушлари*

# ДАРАХТ ҚАНДАЙ БУТАЛАДИ?

**Ўлкамизга баҳор келиши билан томорқада юмушлар кўпайиб қолади. Шундай ишлардан бири мевали дарахтларга шакл бериш ва уларни буташдир.**

Мевали дарахтларга шакл бериш ва буташ натижасида уларга ҳаво ва ёруғлик яхши ўтади, касаллик ва ҳашаротлар кўпаймайди. Озиқ моддаларнинг ҳосилсиз новдаларига сарф бўлиши камаяди. Ҳосилдорлик ортади ва сифати яхшиланади. Дарахтларнинг ҳосил бериш даври чўзилади, шохлари синиб кетмайди. Тўғри шаклланган ва буталган шохлар бақувват ўсади.

Дарахтларга шакл бериш ва буташ ишлари новда куртакларининг бўртишига қадар тугалланиши зарур. Бир яшар мевали кўчатлар экилганда унда 3—4 та ён новда билан марказий новда бўлса, ён новдалар узунлигининг ўсишига қараб 40-50 фоизи қирқилади, ҳатто ён новдалар бир хил баландликда бўлиши керак. Марказий новда ён новдаларга нисбатан 25-30 сантиметр узунроқ қолдирилади.

Бизнинг шароитда олма, нок, ўрик, гилос ва олхўри дарахтларига ярусли схемада шакл берилади. Марказий танада биринчи ярусдан 60-70 сантиметр юқорироқда иккинчи яруснинг иккитаси схема новдаси шакллантирилади ёки якка-якка жойлаштирилади. Тана бўйлаб скелет новдаларининг бир-биридан жойлашиш масофаси камида 20 сантиметр бўлиши лозим. Сийрак ярусли схема бўйича тўла шакллантирилган мева дарахти биринчи тартибдаги беш-олтита скелет новдадан иборат бўлиши керак. Биринчи тартибдаги новдаларни шакллантириш билан бир вақтда иккинчи ва учинчи тартибдаги новдалар ҳам шакллантирилади. Иккинчи тартибдаги биринчи шох биринчи тартибли шохда яратилиб, унинг асосидан 30-40 сантиметр узоқликда бўлиши керак, иккинчи шох биринчисидан 25-30 сантиметр оралатиб шакллантирилади. Учинчи тартиб шохларига ҳам шу тариқа ишлов берилади.

Ёш дарахтларга бир-икки йил давомида шакл бергандан сўнг уларни кўп буташ тавсия этилмайди, чунки бу ҳолда улар зўр бериб бўйига ўсади ва ҳосилга кириш вақти кечикиб кетади. Бу даврда буташда яхши шохланган, бироқ тарвақайлаб кетмаган шох-шабба яратиш кўзда тутилади. Мева дарахтлари шох-шаббасини дастлабки беш-етти йил давомида шакллантириш лозим.



Бир йиллик новдаларнинг ўсиши 40-45 сантиметр бўлса, улар қисқартирилмайди, 60 сантиметрдан кўпроқ ўсган новдалар қисқартирилади. Агар новдаларнинг узунлиги 15-20 сантиметр бўлса, у ҳолда дарахт шох-шаббаларини ёшартириш тавсия этилади. Бунинг учун май ойида ён шохлар 2—3 яшарлик она шохларга тақаб қирқилади ва шу билан бирга уйқуда ётган куртакларни уйғотиш ҳисобига янги шохлар пайдо қилинади. Янгидан ҳосил бўлаётган алоҳида узун новдалар 40-45 сантиметр узунликда ҳосил шохларига айлантириш мақсадида қисқартирилади. Бир жойдан қалинлашиб чиққан новдалар сийраклаштирилади.

Гилос кучли ўсиши ва оз шохланиши билан фарқ қилади. Унинг бир йиллик, яшил новдаларини 40-45 сантиметр узунликда кесиб, чилпиб туриш шох-шаббалар ва ҳосилли даста шохларнинг кўпайишини тезлаштиради. Шафтоли кўчатлари дастлабки йилларда тез ўсади, кўп шох чиқаради ва тезда мева бера бошлайди. Меваси бир йиллик новдаларда битади. Буталмаса шох-шаббаси қалинлашади, ички қисмидаги шохларнинг барги тўкилиб кетади, мевалар фақат ташқи шохларда пайдо бўлади. Бунда дастлабки бир-икки йил давомида бир йиллик новдалар қисқартиб турилади ва шох-шабба сийраклаштирилади. Асосий шохларнинг учидан ўсиб чиққан узунлиги 50-60 сантиметрли ва ундан узун новдалар учдан бир қисмига ёки ярмисига, калтароқлари эса чорак қисмига қисқартирилади.

Шафтоли ҳосил бера бошлаганидан сўнг шох-шаббаси сийраклаштириб турилади, синган, қуриган, соялатувчи шохлар ҳамда заиф новдалар олиб ташланади. Бу вақтда кучли ўсган шохлардан ён шохчалар ҳосил қилиш учун улар қисқартирилади. Асосий шохлардаги мева шохчалари, заиф ва шох-шаббани соялантирувчи шохлар тагидан кесиб ташланади, бунда кучли ўсган шохлар бир-биридан 10-15 сантиметр оралиқда қолдирилади. Шохларни кесишда мева куртакларининг жойланиши ҳам ҳисобга олинади. Баъзи новдаларда ҳосил куртаклар новданинг учида, баъзи навларда эса новданинг пастки қисмида пайдо бўлади. Биринчи ҳолда новдалар камроқ, иккинчи ҳолда эса кўпроқ қисқартирилади. Кесиклар 3 сантиметрдан катта бўлганда бўёқ суртиб қўйилади.

Мевали дарахтларда йил бўйи илдиз бўғизидан ва танасидан чиққан бачкилар таги билан кесиб ташланади. Баҳорда дарахт танаси она шохларининг туби икки миқдор сўндирилган оҳакка бир миқдор соф тупроқ аралаштириб тайёрланган суюқлик билан оқланади. Ана шу бир челак суюқликка 200—300 грамм мис кукуни солиб оқлаш дарахт танасини елим оқиш касаллигидан сақлайди.

*Маҳдий РАЗЗОҚОВ.*

*СУРАТДА: шакл берилган ва буталган олма дарахти.*

*Қатралар*

## МЕҲР ОЛОВИ

Дала ё қирда ёлғиз қолганда табиат изғиринига бўш келмайман. Ҳу-ҳулаб қўлларимни бир-бирига ишқайман. Совуққа олдирмайман. Югурсам товонларимдан ўт чақнаётгандек. Лолагун юзимдан буғланиб тер силқийди. Изғириннинг бундан гўё баҳиллиги ошиб, чинқириб увиллайди. Демак мен ғолиб. Кўнглимда ёздагидек илиқлик, яйраш.

Эртасига бир одамнинг тўнг-совуқ сўзидан қалбим чунон музлайдики, кўксимни худди каттакон муз эза бошлайди. Таним ғалати оғриқдан сим-сим... қонларимни гупиртириб қилган ҳаракатим ҳам, қуёшнинг тафти ҳам оғриққа таъсирсиз.

Бирдан-бир чора меҳри оловлар бағрига ураман ўзимни. Шуларнинг юпанч, меҳр тафтидан кўксимдаги муз эрийди. Енгил тортаман, бор бўлсин тоғдек таянч. Ширин сўзли дўстларимнинг меҳр олови!

## НЕЪМАТЛАР ОНАСИ

Хонтахта устидаги хилма-хил пишириқлар мақтанчоқликда бир-биридан ўтмоқчи. Лагандек қатлама буралиб-буралиб, «Ёғлиқман, ким еса тўқ тутаман» деса, қовурма чучвара қулоғини шалпайтириб, «Есанг кумир-кумир, хушхўрман» дейди.

— Ширинликда сизлардан кам эмасман, — гапга аралашади юмалоқ лўппи юзли бўғирсоқ.

Мақтаниш ва ножўя ҳаракатларидан пишириқларнинг эти синиб тўкилади. Оз-оздан қанча исроф!

— Бас қилинглар, ҳеч бирингизга қойил қолмадим. Фақат ғурурга берилиб, меҳрли ун — онангизни эсга олмадинглар. Шундоқ кунда энг аввал ун — онангиз омон бўлсин, — деди дастурхон.

## ШИРИН СЎЗ

— Ассалому алайкум!

Ишга шошилиб кетаётган йигитнинг қўли кўксида. Мўйсафидга салом беради. Ота алик оларкан, дил қулфи очилганидан мамнун дуо қилади.

— Отангга раҳмат, бахтингни берсин.

Йўл-йўлакай яна қанча салом-алик, яхши тилак, дуолар...

Ота новчароқ бошқа бир ёшга рўбарў бўлганда:

«Ё тавба»лаб ҳайрон: йигитнинг икки қўли чўнтагида, ҳода ютгандек типпа-тик ўтиб кетади. Бошини баландлаб, нигоҳлари билан олисларни қамраб олмоқчидек юқорилаб боради. Ён-верига қайрилиб қарамайди, гўё бу дунё фақат ўзиники. Ё тавба, бир оғиз ширин сўзнинг нимаси малол келаркин унга?! «Саломингни еб қўйдингми, эй одобсиз?» дея олдини тўссинми? Йўқ, бундан нима наф? Унинг лоқайд ва мудроқ қалбини забт этиб, сўраб олинган салом самимий қалб саломидек ёқимли бўлармиди?

## ҲАСАД

Таниқли полвоннинг омади келиб, курашда не-не рақибларни доғда қолдирди. Йиқитдию йиқилмади. Рақиблардан бирининг оғайниси полвоннинг ютуғига тан бергиси келмай, мийиғида кулиб қўйди.

Тасодиф юз берди. Кураш майдонидан мардона чиқиб келаётган полвон бехосдан тийғаниб, чўккалаб қолди. Ҳалиги киши шуни кутган эканми, уни изза қилгандек хохолаб юборди.

Шундайлар бор: тоғдек ютуғингни ҳасад пардасига яшириб, заррадек нуқсонингни эса ошириб-тоширадилар.

## ҚУДРАТЛИ КУЧ

Бочка тахталари иссиқдан қуриб, бир-биридан ажраган. Шундоқ оғир кунда темир ҳалқа уларнинг тўкилиб кетмаслиги учун ўз ўрнида: «Менга суяниб тураверинглар. Яхши кунлар яқин. Сабр таги сариқ олтин», дегандай маҳкам, мардона турибди. Яна тузлама қилишнинг пайти яқинлашди. Бочка энди ҳовузда.

— Яхшиям сув бор экан. Бир-биримизга жипслашдик, — деди тахталардан бири.

— Сув бор экан қақшаб тарқалиб кетмаймиз, — унинг фикрини қўллади иккинчиси.

Лекин улар иссиқда ҳам, сувда ҳам ўзларини бирлаштириб турган ҳалқани унутган эдилар. Феълларига яраша тасодиф юз берди; ҳалқанинг занглаган жойи узилиб кетди. Ҳар ён сочилган тахталар бир-биридан узоқда. Яқинлашиб, зичлашишга қани имкон, ё бир етакчи куч?!

## ЁШЛИГИДАН...

«Улғайса уйга тўсин ё синч бўлар» деган умид билан экилганди ниҳол. Бироқ у қаровсиз, ўз ҳолича қийшиқ ўсди.

Боғбон эгри жойи тўғри бўлсин деб уни тиззасига тираб тортган эди, қирс этгандай бўлди. Эгилмади. Яна бир интилса синиб кетадиган. «Озуқасини бериб, мизу бетартиб ўсишига бефарқ бўлибмиз-да. Энди эпга келгунча азоб бермаса».

— Вақт ўтганда чираниб, мени ҳам ўзингизни ҳам қийнаяпсиз. Ёшлигимдан тўғрилаб ўстирмадингиз? — боғбондан гинахонлик қилди ниҳол.

Боласининг ёшлигида тарбиясига лоқайд бўлган ота-она кейин роҳат ўрнига азоб чекади.

*Ғани АБДУЛЛАЕВ.*

*Спорт*

# ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ БИРИНЧИ

**Тошкентдаги 110-мактаб спорт мажмуида республика ёшлар ўйинлари дастуридан жой олган бадминтон мусобақалари ўз ниҳоясига етди. Мусобақаларда Тошкент шаҳри ва республика вилоятларидан юзга яқин спортчилар иштирок этишди.**

Беллашувнинг якка тартибдаги тури бўйича эркаклардан тошкентлик Артур Фотиҳов, қизлардан эса тошкентлик Маша Стужановалар биринчи ўринни эгаллашди. Жуфтлик баҳслар бўйича эркаклардан тошкентлик Евгений Шарметов, Артур Фотиҳов ҳамда самарқандлик Шерзод Акаберов ва Мақсуд Ориповлар, аёллар ўртасида эса тошкентлик Алёна Тимникова, Елена Хамидулина ва самарқандлик Инесса Воробьёва билан Гулнора Ашуровалар муваффақият қозонишди.

Команда ҳисобида шаҳримиз спортчилари биринчи, самарқандликлар иккинчи, андижонликлар учинчи ўринни қўлга киритишди.

*Шожалол ШОҚОСИМОВ.*

*Ажойиботлар*

## КЎЗОЙНАКЛАР ИШҚИБОЗИ

Люксембурглик фуқаро Петер Пауль Плюкфельдернинг коллекцияси барчанинг эътиборини ўзига тортади. Чунки у узоқ ва яқинни кўрсата олувчи 500 га яқин кўзойнакларни тўплаган. Унинг кўзойнаклари ичида турли асрларга мансублари ҳам бор. Петер, айниқса XVI асрда ишланган, қалпоққа ўрнатилган кўзойнагини кўз-кўз қилишни хуш кўради. Бир нарса ўқимоқчи бўлсангиз, қалпоқни киясизу ишингизни бажаришга киришасиз. Бу кўзойнак ўз асрида одамларга жуда қулай бўлганлиги аниқ. Чунки ўша даврларда кутубхоналар деярли иситилмас эди. Шу сабабли ҳам Петернинг энг фахрланадиган бу кўзойнаги ихтиро қилинган бўлса ажаб эмас.

## УЙНИНГ ТЎРИДА САҚЛАНАДИ

Буюк британиялик Майкл Робертсон нондан сухари тайёрлайдиган электр асбобларини йиғади. Ҳозирча унинг бу экспонатларининг сони 100 га яқинлашиб қолди. У ўз асбобларини жуда асраб-авайлайди. Айниқса, электр асбоблари орасида Майкл учун энг эъзозлиси 1935 йилда ишлаб чиқарилгани ҳисобланади. Чунки уни бир вақтлар отасига совға қилишган. Бу асбоб отасини эслатиб тургани учундир Майкл уни меҳмонхонада, уйнинг тўрида сақлайди.

## МУЗЕЙ ОЧИШ НИЯТИДА

Венгриялик Шендор Фольдининг келажакдаги орзулари юксак. У мамлакатда ягона бўлган авиация музейини очиш ниятида тер тўкмоқда. Қандай қилиб дейсизми? Шендорнинг ўзи собиқ ҳарбий учувчи бўлиб, ҳозирда темир-терсаклар билан савдо-сотиқ қилади. Бундан ташқари у ўзини қизиқтирган машғулот — ҳисобдан чиқарилган яроқсиз самолётларни йиғиш билан шуғулланади. Ҳозиргача унинг коллекциясида турли мамлакатларда ишлаб чиқарилган 7 та самолёт мавжуд.

## ҚИРОЛЛАР ҲАМ...

Қироллар ҳам турли нарсаларни йиғишга ишқибоз бўлишган экан. Қирол Эдуард V тахт йиққан бўлса, қиролича Елизавета II нинг отаси Георг VI чойнаклар йиғишга жуда ўч бўлган. Унинг турли нусхадаги мингдан ортиқ чойнаги бўлган экан. Германиялик «темир канцлер» Отто Бисмарк ҳарорат ўлчагичлар тўплаган экан.

*Дилноза ҒИЁС қизи тайёрлади.*

*Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги*

# ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

**Бугунги кунда нохуш йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Айниқса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича алоҳида комиссия тузилгани ва бу борадаги ишларни ташкиллаштириш, муаммоларни бартараф этишга жиддий таъсир кўрсатаётгани айни муддао бўлмоқда.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 5 декабрдаги 539-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси йўлларида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиб, амалга татбиқ этила бошланиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Мана тўрт кундирки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига мувофиқ мамлакатимизда «Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги» ўтмоқда. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Давлат автомобиль назорати тарғибот бўлими бошлиғи, милиция подполковнига Азиз Эрназаров билан ана шу ойлик ва Низом ҳақида суҳбатлашдик.**

— Ушбу Низомда «Йўл-транспорт ҳодисалари мамлакат иқтисодиётига ва жамиятнинг маънавий ҳаётига жуда катта зарар етказиши мумкин бўлганлиги учун йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш давлат олдида турган муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблансин» дейилган. Ҳақиқатан ҳам бундай нохуш ҳодисаларнинг иқтисодиётга, инсон маънавиятига, саломатлигига зарари катта. Транспорт ва бошқа техник воситалар, турли предмет, буюмларнинг шикастланиши, жароҳат олган кишиларнинг даволаниши учун ажратилаётган сарф-харажатлар эса мамлакат иқтисодиётига таъсир кўрсатмай қолмайди. Шу боисдан ҳам йўллардаги ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш давлат олдида турган муҳим вазифалардан бири деб ҳисобланган ва уни амалга ошириш учун зарур чора-тадбирлар белгиланган. Уни ташкиллаштириш, амалга оширилишини таъминлаш ишлари қандай меъёрий ҳужжатларга асосан ва кимлар томонидан амалга оширилиши Низомда аниқ кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, Низомда «Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни бажариш вазирликлар, давлат қўмиталари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, концерн, корпорация, компания, корхона, ташкилот, муассаса, жамоат бирлашмалари ва ижодий уюшмалар, Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча жисмоний шахсларнинг бурчидир», деб таъкидлаб ўтилган. Бу бежиз эмас, албатта. Деярли ҳар бир инсон йўлда гоҳ ҳайдовчи, гоҳ йўловчи, пиёда сифатида ҳаракатланади. Йўллардаги ҳаракат хавфсизлиги биринчи навбатда ўзларининг ҳам хавфсизлиги ҳисобланади. Унинг тўла таъминланиши хавф-хатардан ҳоли ҳолда ҳаракатлантиришларини кафолатлайди. Катталар ёшларнинг, раҳбарлар қўл остидагиларнинг хавфсизлигини таъминлашлари шунчаки хоҳиш истакларигина эмас, бурчлари ҳамдир.

Ушбу Низомда маҳаллий ҳокимият ва ижро этувчи органлар томонидан йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширишлари лозим бўлган вазифалар аниқ ифодаланган. Яъни улар ушбу масалаларга оид режа ва ҳуқуқий дастурларни тасдиқлаб, мувофиқлаштириб, уларнинг ижросини назорат қила боришлари керак. Ўзларига тегишли ҳудудда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва ушбу мақсадда ўтказиладиган тадбирларга қонунчиликда белгиланган тартибда маблағ билан таъминлаш, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги талабларини ўқитишни ташкил этиш, йўллар ва кўчаларни қуриш, тузатиш, йўлларни қўриқлаш, хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш кабилари алоҳида қайд этилган.

Шунингдек, улар томонидан ўз ваколатлари доирасида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қарорларни бажариш республика ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий бўлиши қайд этилган. Давлат автомобиль назорати хизматига берилган бундай имкон ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларни юритишда, уни янада яхшилашда жуда қўл келиши турган гап.

Низомда Давлат автомобиль назорати хизмати зиммасидаги асосий вазифаларнинг аксарияти олдинги Низомларда ҳам қайд этиб ўтилган. Бироқ ушбу Низомда уларнинг ҳам ҳар бири замон талабига мослашиб ўзгариш ва қўшимчалар қайта ишлаб чиқилгани ва атрофлича талқин этиб ўтилгани яққол кўзга ташланиб турибди.

Низомда «автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлайдиган ўқув ташкилотларини рўйхатга олиш ва ўқув жараёнини назорат қилиб бориш, транспорт воситаларини оммавий бошқариш масаласи бўйича имтиҳон олиш, автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни топшириш, бу масалаларда жаҳондаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш лозимлиги» алоҳида киритиб ўтилган. Ҳақиқатан ҳам бу муҳим масала жаҳондаги илғор тажрибаларни ўрганиш, унинг ижобий томонларини ўзлаштириб, амалда қўллаш энг самарали усуллардан бири ҳисобланади. Республикамиз мустақилликка эришгач, бундай масалаларга эътибор янада кучайди. Эндиликда ҳар бир соҳа, ҳар бир хизмат тармоғида умумжиҳат тажрибасига таянган ҳолда иш юритиш чора-тадбирлари имкон қадар кўрила бориши лозим.

Давлат автомобиль назорати хизматининг асосий вазифалари қаторига «Моддий-техника базаси, ўқув жараёнини ташкил этиш талаблари даражасида бўлган ўқув ташкилотларида ҳайдовчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга рухсат бериш» ҳам киритилган. Бундай ҳолларга зид ҳолатлар бўлганда эса, яъни моддий-техника базаси талаб даражасида бўлмай қолган, ҳайдовчилар сифати қониқарсиз бўлган ўқув ташкилотларининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тақиқлаш ҳуқуқи берилган. Дарҳақиқат, ҳайдовчиларни тайёрловчи ўқув ташкилотларининг фаолиятига жиддийроқ аҳамият берилиши кундан-кунга ниҳоят муҳим бўлиб бормоқда.

Низомда ДАН ходимларига «Вазирликлар, идораларга мулкчилик шаклидан қатъи назар барча муассасалар, корхоналар, ташкилотларга тўсиқсиз кириш, зарур маълумотлар ва ҳужжатларни бепул олиш, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга ва атроф-муҳитни автотранспорт воситаларининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишга оид қоидалар, меъёрлар ҳамда ўлчамларнинг бажарилишини текшириш» имконияти берилган. Шунингдек, «Мансабдор шахслар ва фуқароларга йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини ва атроф-муҳитни ҳимоя қилишга оид қоидалар, меъёрлар ва ўлчамлар талаблари бузилишини бартараф этиш тўғрисида бажарилиши шарт бўлган ёзма кўрсатмалар бериш» ҳуқуқи берилган. Бироқ кўпгина фуқаролар ҳамда мансабдор шахслар йўллардаги ҳаракат хавфсизлигига оид нарсаларни ўзларига дахли йўқ деб айтишади ҳамда унга етарли даражада эътибор берилмайди. Аслида йўллардаги ҳаракат хавфсизлиги ҳар бир фуқаро, мансабдор шахс, қолаверса ҳар бир инсонга дахли бўлибгина қолмай, балки уларнинг ҳаёти, соғлиғи билан боғлиқ ўта муҳим масала ҳисобланади.

Ушбу Низомда «Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш соҳасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришда, шунингдек, оммавий тадбирларни ўтказишда, йўл-транспорт ҳодисалари, йўл ва кўчалардаги ҳаракатланиш хавфсизлигига таъсир этувчи мураккаб об-ҳаво шароитлари, олиб қочилган, ўғирланган, жиноят содир этишда алоқаси бўлган ва йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойдан яширинган транспорт воситаларини қидиришда ва бошқа ҳолларда шошилинч хабарларни беришни ташкил этишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан бепул фойдаланиш» мумкинлиги билдирилган. Оммавий ахборот воситалари орқали биргина чиқиш билан юзлаб, минглаб ва ҳатто миллионлаб одамларга таъсир ўтказиш, кўплаб нохуш йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мумкин. Шу боисдан ҳам бу борада матбуотда чиқишлар қилишнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Зеро, бундай нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш ҳар биримизнинг бурчимиз, вазифамизгина бўлиб қолмай энг эзгу ишлардан саналади. Март ойининг «Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги» деб эълон қилиниши ҳам юртдошларимизни турли йўл-транспорт ҳодисаларидан асрашга қаратилган муҳим тадбирдир.

*Дамира ЗАРИПОВА.*

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ТАШКИЛОТ**
А-4 бичимидаги қоғозни, ассортиментдаги идора товарларини
**СОТАДИ**
Нархлар паст, улгуржи чегирмалар бўлади.
Тел: 35-69-90, 35-28-11.

**ТАШКИЛОТ**
қаттиқ битум, 4x100, 4x120 катталигидаги михларни
**СОТАДИ**
Тел: 35-69-00, 35-28-11.

Тикув машинаси, музлатгич харид қиламан.
Тел: 92-21-46, 90-54-37.

Тошкент оқшоми
Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар – 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-01051. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ 9.272 нусхада босилди. 1 2 3 4 5.